ILM-FAN XABARNOMASI, SCIENCE BULLETIN, ВЕСТНИК НАУКИ
ISSN: 3030-3931 Volume 13, issue 2, May
https://doi.org/10.5281/zenodo.20050561
026

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ОБЪЕКТЛАРИ ТИЗИМИДА ИШЧАНЛИК ОБРЎСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Эргашев Бахтиёр Ортиқ ўғли
ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

Анотация: Мақолада фуқаролик ҳуқуқи объектлари тизимида ишчанлик обрўсининг ҳуқуқий ва номоддий хусусиятлари таҳлил қилинади. Ишчанлик обрўси фуқаролик муомаласидаги иштирокчиларнинг касбий ва ишбилармонлик сифатлари, амалга оширилаётган фаолият самарадорлиги ва жамоатчилик баҳоси орқали шаклланади. Мақолада ушбу тушунчанинг ҳуқуқий аҳамияти, унинг номоддий неъмат сифатидаги хусусиятлари, ҳуқуқий ҳимоя имкониятлари ҳамда замонавий иқтисодий ва ижтимоий контекстаги аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: обрў, ишчанлик обрўси, номоддий неъмат, фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя, фуқаролик ҳуқуқи, шаън, қадр-қиммат, номга бўлган ҳуқуқ

Аннотация: В статье анализируются правовые и нематериальные особенности деловой репутации в системе объектов гражданских прав. Деловая репутация формируется на основе профессиональных и деловых качеств участников гражданского оборота, эффективности их деятельности и оценки обществом. Рассматривается правовое значение данного понятия, его характеристика как нематериального блага, возможности правовой защиты, а также актуальность в современном экономическом и социальном контексте.

Ключевые слова: репутация, деловая репутация, нематериальная выгода, гражданско-правовая защита, гражданские права, честь, достоинство, право на имя

Abstract: The article examines the legal and intangible features of business reputation within the system of civil law objects. Business reputation is formed based on the professional and business qualities of participants in civil circulation, the effectiveness of their activities, and public evaluation. The article highlights the legal significance of this concept, its characteristics as an intangible asset, possibilities for legal protection, and its relevance in the modern economic and social context.

Keywords: reputation, business reputation, intangible benefit, civil legal protection, civil rights, honor, dignity, right to name

Айтиш мумкинки, амалдаги фуқаролик-ҳуқуқий қонунчилик ишчанлик обрўсини номоддий неъмат сифатида тартибга солади. Мазкур қонунчилик ёндашувининг асосли эканини эътироф этган ҳолда, биз ишчанлик обрўсининг ижтимоий-иқтисодий-ҳуқуқий воқеликнинг ниҳоятда мураккаб кўринишларидан бири эканлигига эътибор қаратамиз. Унинг моҳиятини аниқлаш эса унга хос бўлган сифатлар, элементлар ҳамда субъект таркибини идентификация қилиш орқали сифат жиҳатдан муайянликни белгилашни талаб этади.

Қонун чиқарувчи ишчанлик обрўси билан бир қаторда, бир модданинг ўзида шаън ва қадр-қиммат каби номоддий неъматларни санаб ўтар экан, уларни ишчанлик обрўсига энг яқин бўлган қадриятлар сифатида намоён этади. Бироқ ушбу номоддий неъматлар ҳуқуқий табиати жиҳатидан ўзаро фарқ қилади.

Шаън ва қадр-қиммат классик номоддий неъматлар қаторига киритилиши мумкин. Улар бундай неъматларга хос бўлган барча белгиларга тўлиқ эга бўлиб, шунингдек,

ILM-FAN XABARNOMASI, SCIENCE BULLETIN, ВЕСТНИК НАУКИ
ISSN: 3030-3931 Volume 13, issue 2, May
https://doi.org/10.5281/zenodo.20050561
026

уларнинг ички ва ташқи қадр-қимматини белгилаб берувчи ахлоқ нормалари билан бевосита боғлиқдир. Мазкур ҳолатлар, хусусан, шаън ва қадр-қиммат фақат жисмоний шахсларга тегишли бўлиши, ҳар бир инсоннинг ажралмас хусусияти ҳисобланиши билан изоҳланади[1].

Бироқ инсон жамияти тараққиёти шуни кўрсатдики, шаън ва қадр-қиммат каби номоддий неъматлар шахсларнинг индивидуал сифатлари ва қобилиятларига нисбатан шахсий ҳамда жамоат муносабатлари нуқтаи назаридан ўз-ўзини англашини таъминлаш учун етарли эмас. Айниқса, фуқаролик муомаласида бу ҳолат алоҳида аҳамият касб этади, чунки унда иштирокчиларнинг ишбилармонлик ва бошқа хусусиятлари турли мақсадлар учун доимий равишда баҳоланиб борилади[2].

Жамият томонидан шахсларга берилган баҳолаш ҳар бир инсоннинг обрў-эътибори шаклланишига сабаб бўлар экан, ўзининг объектив ифодасида шаън “обрў” тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Шу муносабат билан айрим муаллифлар ушбу тушунчаларнинг ўзаро мос келиши (айнан бир маънони англатиши) ҳақида фикр билдирганлар. Ушбу икки тушунча ҳам “жамоатчилик фикри” деган категория билан боғлиқ бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг маънавий таркибий қисмига хос бўлган, шахс фаолиятига жамият томонидан бериладиган баҳолаш билан узвий алоқадор бўлган ўзига хос ҳодисани ифодалайди. Замонавий шароитда жамоатчилик фикрининг аҳамияти жуда катта экани шубҳасиз бўлиб, унга қараб ҳар қандай шахснинг ҳам касбий фаолияти, ҳам шахсий ҳаёти бевосита боғлиқ бўлиши мумкин.

Одатда “обрў” тушунчаси инсон ҳақидаги яхши ёки ёмон шуҳрат, кимгадир нисбатан шаклланган жамоатчилик фикри[3]; жамият нуқтаи назаридан муайян сифатлар, афзалликлар ва камчиликларнинг шаклланган баҳоси; “исм, шуҳрат, машҳурлик, нуфуз, реноме”[4]; “ким ёки ниманинг афзалликлари ёки нуқсонлари ҳақида шаклланган умумий фикр” сифатида талқин қилинади[5].

Обрў — бу “жамоатчилик баҳоси, индивид хулқ-атворининг динамик хусусияти бўлиб, у етарлича узоқ вақт мобайнида шаклланади”[6]. У ижобий ёки салбий бўлиши мумкин, бу эса индивиднинг хулқ-атвори жамоатчилик кутилмаларига қай даражада мос келишига, у эгаллаб турган мақом ва бажараётган ижтимоий роллари ўртасидаги мутаносибликка, ушбу ролларни қандай тарзда адо этишига ҳамда уларнинг жамият томонидан қандай қабул қилинишига боғлиқ бўлади[7].

---

[1]Карайчева О.В. Деловая репутация как объект гражданских прав. Дисс..., кан.юрид. наук. Ростов-на-Дону – 2014.С.35

[2]Карайчева О.В. Деловая репутация как объект гражданских прав. Дисс..., кан.юрид. наук. Ростов-на-Дону – 2014.С.35

[3]Абрамов Н. Словарь синонимов. М.: Русские словари, 1997. С. 711.

[4]Ожегов С.И. Словарь русского языка. М.: Мир и образование, 1989. С. 676

[5]Даль В. Толковый словарь живого великорусского языка. М.: Цитадель, 1994. Т. 3. С. 1679

[6]Абулъханова-Славская КА. Деятельность и психология личности. М.: Наука, 1980. С. 73

[7]Карайчева О.В. Деловая репутация как объект гражданских прав. Дисс..., кан.юрид. наук. Ростов-на-Дону – 2014.С.35

ILM-FAN XABARNOMASI, SCIENCE BULLETIN, ВЕСТНИК НАУКИ
ISSN: 3030-3931 Volume 13, issue 2, May
https://doi.org/10.5281/zenodo.20050561
026

Обрў инсон ёки ташкилот томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар ва хатти-ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар мажмуаси асосида шаклланади. Яъни қўйилган вазифалар қандай ҳал этилаётгани, ўз зиммасига олинган мажбуриятлар қандай бажарилаётгани, муайян вазиятларда хулқ-атвор қандай қурилаётгани обрўнинг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Обрў инсон ёки ташкилотнинг ишончлилигини билвосита кафолатлайди. Обрў — муайян шахс, шахслар гуруҳи ёки ташкилот ҳақида турли омиллар асосида шаклланадиган фикрдир[8].

Обрў номоддий мезонлар (фикрлар, муносабатлар, ҳис-туйғулар) билан боғлиқ бўлсада, айрим ҳолатларда ушбу мезонлар қиймат жиҳатидан аҳамиятли бўлган афзалликлар ёки камчиликларга айланади. Улар эса фақат коммуникация жараёнида намоён бўлган тақдирдагина обрўнинг таркибий қисмига айланади[9].

Обрў категориясининг янги мазмуни П. Бурдье томонидан илгари сурилиб, у «символик капитал» тушунчаси орқали таърифланган. Символик капитал ижтимоий капиталнинг бир тури бўлиб, шахснинг нуфузи ва обрўсини ифодалайди, яъни “бу ишончдир, бу етарли даражада тан олинган шахсларга жамият томонидан бериладиган ҳокимиятдир, улар бошқалар томонидан тан олинишни шакллантира олиш қобилиятига эга бўладилар”[10]. П. Бурдьенинг ёндашуви ишчанлик обрўсини фақат ижтимоий-символик контекстда тушуниш имконини беради. Бу ёндашувнинг афзаллиги шундаки, у обрўнинг фақат ҳуқуқий ёки иқтисодий қадриятлар билан чекланмаслигини кўрсатади. Бироқ, бу концепция ҳуқуқшунослар нуқтаи назаридан танқидий баҳоланади, чунки у иқтисодий ва мулкий жиҳатларини етарлича қамрамайди, яъни ташкилотлар ёки шахслар обрўсининг амалдаги қийматини баҳолаш учун етарли эмас. Шу боис, Бурдьенинг тушунчаси асосий назарий рамка бўлиб хизмат қилса-да, ҳуқуқий нормаларда ишчанлик обрўсини мустаҳкамлашда қўлланиши чекланган ҳисобланади.

М. Веберга “мақомий шаън” (status honor) тушунчаси тааллуқли бўлиб, унинг моҳияти шундан иборатки, муайян ижтимоий қатламга мансубликка даъво қиладиган индивидлар гуруҳи жамоатчилик хулқ-атворининг ўзига хос «лозим» стандартларини ишлаб чиқади. Ана шу стандартлар асосида мулоқот қилиш учун мос бўлган шахслар доираси белгиланади[11]. М.Вебернинг таърифлари ишчанлик обрўсининг ижтимоий ва институционал жиҳатларини очиб беради, яъни обрўнинг статус билан боғлиқлиги ва ижтимоий қатламда шаклланиши. Аммо бу тушунча ҳам касбий ёки тадбиркорлик обрўсининг мулкий ва юридик жиҳатларини етарли даражада қамраб олмайди. Шунингдек, Вебер назариясида индивидуал ва гуруҳ таъсири ўртасидаги синергетик алоқалар етарлича баён қилинмаган, бу эса замонавий ҳуқуқий ва иқтисодий таҳлилларда муҳим аҳамият касб этади. Бунда бир вақтнинг ўзида ўз ижтимоий мақоминнинг аҳамиятини ички ҳис этиш ҳамда жамиятнинг бошқа қатламлари билан маълум масофани сақлашга интилиш шаклланади.

Инсон жамиятда бир вақтнинг ўзида бир нечта мақомни эгаллаши ва турли ижтимоий роллар мажмуасига эга бўлиши мумкин. Шунинг учун инсоннинг обрўси ҳам турлича

---

[8]Карайчева О.В. Деловая репутация как объект гражданских прав. Дисс..., кан.юрид. наук. Ростов-на-Дону – 2014.С.37

[9]"Малеина М.Н. Защита чести, достоинства, деловой репутации предпринимателя // Законодательство и экономика. 1993. № 24. С. 18-20; Сергеев А.П. Право на защиту репутации. М., 1989. С. 52

[10]Бурдье П. Социальное пространство и символическая власть // Бурдье П. Начала. М.: Socio-Logos, 1994

[11]Вебер М. Класс, статус и партия // Социальная стратификация. Выл. 1. М., 1992. С. 28,33

ILM-FAN XABARNOMASI, SCIENCE BULLETIN, ВЕСТНИК НАУКИ
ISSN: 3030-3931 Volume 13, issue 2, May
https://doi.org/10.5281/zenodo.20050561
026

бўлиши эҳтимолдан холи эмас: шахсий, касбий ва бошқа кўринишларда намоён бўлади. Масалан, касбий соҳада юқори малакали мутахассис бўлган шахс, бироқ оилавий ҳаётда ёмон турмуш ўртоғи ёки ота сифатида салбий обрўга эга бўлиши мумкин. Бу нуқта обрў тушунчасининг кўпқирралилигини очиб беради ва уни фақат ижтимоий ёки касбий контекстда эмас, балки ижтимоий-шуъба ва шахсий ҳаёт контекстида ҳам баҳолаш лозимлигини кўрсатади. Шу билан бирга, бу ёндашувда обрўнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишдаги мураккаблиги кўрсатилади, чунки бир шахснинг турли ижтимоий ролларига нисбатан баҳолашлар бир-бирига зид келиши мумкин.

Карайчева О.В фикрича, шахснинг обрўси унинг номоддий неъмати ҳисобланади. У шаън ва қадр-қиммат билан бир қаторда шахсни жамиятда индивидуаллаштириб, унинг турли ижтимоий мақомлари бўйича жамоатчилик томонидан берилган баҳонинг ифодаси сифатида намоён бўлади[12]. Бироқ Фуқаролик кодексининг 99-моддаси номоддий неъматларни санаб ўтар экан, улар қаторида “обрў” тушунчасини алоҳида тилга олмайди. Мазкур моддада фақат “номга бўлган ҳуқуқ”, “ишчанлик обрўси” ва “шахсий дахлсизлик” тушунчалари қайд этилган.

Сўнгги тушунчага келсак, қонун чиқарувчи унга таъриф бермайди, унинг мазмунини ноаниқ ҳолда қолдиради. Аёнки, “қадр-қиммат” тушунчасини “номга бўлган ҳуқуқ” тушунчаси билан айниятлаштириб бўлмайди. «Номга бўлган ҳуқуқ» энг муҳим номоддий неъматлардан бири сифатида жисмоний шахсни индивидуаллаштиришни таъминлайди. «Яхши номга бўлган ҳуқуқ» эса шахснинг сифатлари ва фаолиятига нисбатан жамиятнинг ижобий муносабатини ифодалайди ва шу боис у мазмунан «обрў» тушунчасига яқин ҳисобланади.

Муллифнинг фикрича, “номга бўлган ҳуқуқ” тушунчаси обрў тушунчасига яқин бўлса-да, уни у билан айниятлаштириб бўлмайди, чунки у обрўни фақат ижобий жиҳатдан тавсифлайди. Ҳолбуки, обрў бирдек тарзда ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин. Шу сабабли, шахснинг ижтимоий мақомини тавсифловчи номоддий неъмат сифатида “обрў” тушунчасини алоҳида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблайди[13]. О.В.Карайчева фикрига кўра, шахснинг обрўси унинг номоддий неъмати ҳисобланади. У шаън ва қадр-қиммат билан бир қаторда шахсни жамиятда индивидуаллаштириб, унинг турли ижтимоий мақомлари бўйича жамоатчилик томонидан берилган баҳонинг ифодаси сифатида намоён бўлади. О.В. Карайчева бу тушунчани юридик фикрлар билан уйғунлаштириб, обрўнинг номоддий актив сифатидаги аҳамиятини таъкидлайди. Аммо бу ёндашув ҳам иккинчи томондан танқид қилинади: номоддий неъмат сифатида обрўнинг мулкий ва юридик қийматини ҳисобга олмайди. Шу боис, ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқишда унинг амалиётда қўлланиши чекланади. Ҳуқуқий жиҳатдан “обрў” тушунчасининг қонунчиликда алоҳида белгиланмагани унинг ҳуқуқий ҳимоясини чеклайди ва қонун қўлланишида ноаниқликлар туғдиради. Шунингдек, «обрў» ва «яхши ном» тушунчалари орасида фарқ етарлича аниқланган эмас, бу эса қонунчиликда ишчанлик обрўсига оид нормаларни тўлиқ амалга ошириш имкониятини пасайтиради.

“Ишчанлик обрўси” атамаси Ўзбекистон қонунчилигига нисбатан яқин вақтларда киритилган бўлиб, илк бор қонун даражасида 1996 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси”да мустаҳкамланган. Ушбу кодексда жисмоний ва юридик шахслар, агар бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга мос

[12]Карайчева О.В. Деловая репутация как объект гражданских прав. Дисс..., кан.юрид. наук. Ростов-на-Дону – 2014.С.35
[13]Карайчева О.В. Деловая репутация как объект гражданских прав. Дисс..., кан.юрид. наук. Ростов-на-Дону – 2014.С.37

эканини исботлаб бермаса, ўзларининг ишчанлик обрўсини камситувчи маълумотларни суд тартибида рад этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган эди. Демак, ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш шаън ва қадр-қиммат каби бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш билан бир хил тартибда амалга оширилган.

Айни пайтда Ўзбекистонда кўплаб қонунчилик ҳужжатларида ишчанлик обрўси ҳақида эслатиб ўтилади. Бироқ қонунчиликда ишчанлик обрўси тушунчаси кенг қўлланилишига қарамай, унинг легал (қонуний) таърифи мустаҳкамланмаган. Ишчанлик обрўси тушунчасининг қонунчиликда таърифланмагани ҳуқуқни қўллаш амалиётида қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Хусусан, фуқаролик ва аппелация жараёнларида тарафлар, айрим ҳолларда эса суднинг ўзи ҳам кўриб чиқилаётган аниқ ишнинг моҳиятидан келиб чиқиб, ушбу тушунчанинг мазмуни ва чегараларини ўзбошимчалик билан белгилашига имконият яратилади, бу эса тўғри деб ҳисобланмайди.

Махсус адабиётларни ўрганиш мазкур тушунчани англашда ягона ёндашув мавжуд эмаслигини кўрсатади. Жумладан, М.Н. Малеийна фикрича, ишчанлик обрўси — муайян сифатлар ва баҳолар йиғиндисидан иборат бўлиб, улар унинг эгаси ҳақида контрагентлар, мижозлар, истеъмолчилар, иш бўйича ҳамкасблар, мухлислар, сайловчилар кўзида муайян тасаввурни шакллантиришга ва уни ушбу соҳадаги бошқа мутахассислар орасидан ажратиб кўрсатишга имкон беради[14].

А.Л. Анисимов ишчанлик обрўсини алоҳида олинган шахс, юридик шахс, ижтимоий институтнинг ижтимоий аҳамиятига нисбатан нисбатан аниқ шаклланган баҳоси, жамиятдаги мавқеи жамоатчилик фикрида мустаҳкамланган ҳолда намоён бўлиши сифатида тушунади. Шунингдек, ишчанлик обрўси шахснинг меҳнат ва касбий фаолиятига тааллуқли сифатлар, афзалликлар ва камчиликларнинг жамоатчилик томонидан орттирилган баҳоси сифатида ҳам таърифланади. Ташкилотнинг ишчанлик обрўси эса манфаатдор томонлар (ходимлар, инвесторлар, кредиторлар, таҳлилчилар, давлат ҳокимияти органлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар) томонидан компаниянинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида шаклланган фикрлар мажмуаси сифатида қаралади, бу фикрлар унга бўлган муносабатга таъсир кўрсатади[15].

Т.А. Фадеева ишчанлик обрўсини ҳуқуқ субъектларининг касбий сифатларини баҳолаш кўрсаткичи сифатида талқин қилади. А.М. Эрделевский эса ишчанлик обрўсини шахснинг ишбилармонлик сифатларининг жамоатчилик онгидаги акс этиши, жамият томонидан ижобий баҳолаш билан уйғун ҳолда намоён бўладиган ҳодиса сифатида баҳолайди[16].

Ишчанлик обрўсини фақат ишбилармонлик сифатларининг ижобий баҳоси ва уларнинг жамоатчилик онгида акс этиши сифатида таърифлаш етарлича мунозарали ҳисобланади, чунки айрим ҳолларда ишчанлик обрўси салбий тусга ҳам эга бўлиши мумкин.

Келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, ишчанлик обрўси анъанавий равишда фуқаронинг касбий фаолиятини ҳам, тадбиркорнинг тижорат фаолиятини ҳам бирдек тавсифловчи номоддий неъмат сифатида таърифланади.

---

[14]Малеина М.Н. Защита чести, достоинства, деловой репутации предпринимателя // Законодательство и экономика. 1993. № 24. С. 18

[15]Анисимов А.Л. Гражданско-правовая защита чести, достоинства и деловой репутации по законодательству РФ. М.: Владос-Пресс, 2001. С. 11

[16]Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда: анализ й комментарий законодательства и судебной практики. 3-е изд. М.: ВолтерсКлувер, 2007. С. 11

О.В Карайчева назариясига кўра, бундай ёндашув ниҳоятда баҳслидир. Унинг фикрича замонавий қонунчиликда тадбиркорлик фаолияти соҳасида вужудга келадиган асл «ишчан» обрў билан меҳнат функциясини амалга ошириш жараёнида шаклланадиган «касбий» обрў тушунчалари ўзаро аралашиб кетмоқда. Бироқ ушбу категориялар, айниқса жамиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий қайта ишлаб чиқаришнинг ҳозирги шароитида, принципиал жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади[17].

Касбий обрў фуқаро-ходим (жисмоний шахс)нинг касбий ва бошқа сифатларига берилган баҳо сифатида талқин қилиниши лозим бўлиб, у инсоннинг ижтимоий макондаги ўрнини белгилайди ҳамда жамиятда тегишли мақомни эгаллаш имконини беради.

Меҳнат бозорида рақобатнинг кескинлашуви ва ишлаб чиқариш жараёнида инсон омилининг аҳамияти ортиб бориши замонавий талабларга жавоб берадиган касбий даражага эга, шунингдек, юқори касбий обрўга эга бўлган ходимларга бўлган эҳтиёжни тобора кучайтирмоқда.

Касбий обрўни таҳлил қилишда, аввало, меҳнат фаолиятининг хусусияти ҳамда унга мос равишда ижтимоий тақсимот тизимида эгалланадиган ўрин ўзаро қиёсланади. Касбий обрўнинг номоддий омилларига ахборот ресурсларидан фойдаланиш кўникмалари, билимларни ўзлаштириш, қайта ишлаш ва қўллаш қобилияти киради, улар шахсий муваффақиятга олиб келади. Замонавий шароитда сифатли касбий таълим юқори касбий обрўни шакллантиришда муҳим омил ҳисобланиб, у ижтимоий мобилликнинг ҳам юқори (карьера поғонаси бўйлаб кўтарилиш), ҳам пастки (касбни ўзгартириш ёки қайта тайёргарликдан ўтиш) йўналишларини таъминлайди.

Шундай қилиб, ходимнинг касбий обрўси қимматли номоддий неъмат ҳисобланади. Ходимнинг касбий обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи кўп жиҳатдан муайян ходимнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ҳамда ушбу бозорда унга бўлган талаб даражасини белгилаб беради.

«Ишчанлик обрўси» тушунчасига келсак, унинг «касбий обрў» категориясидан моҳиятан фарқи, энг аввало, иқтисодиёт ва жамият тараққиёти таъсирида шаклланадиган янги тижорий хусусиятларида намоён бўлади.

Ушбу тушунчалар ўртасидаги фарқ ҳақида ўз ишларида, жумладан, Л.В. Санкова ва унинг ҳаммуаллифлари сўз юритганлар. Хусусан, Л.В. Санкова иқтисодий мавқенинг муайян шахснинг ҳаётий имкониятларига таъсирини кўрсатиб, мулкдорлар, интеллектуаллар, маъмурлар ва менежерлар, шунингдек ишчи синфини ажратиб кўрсатади[18].

О.В Карайчева фикрича, ташкилотнинг ишчанлик обрўсини шакллантириш жараёни унинг тижорий табиати билан бевосита боғлиқдир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «тадбиркор» тушунчасини таърифлашда турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар ўз навбатида ишчанлик обрўсининг тавсифлари ҳамда уни шакллантирувчи омилларни дифференциация қилишга олиб келади[19].

---

[17]Карайчева О.В. Деловая репутация как объект гражданских прав. Дисс..., кан.юрид. наук. Ростов-на-Дону – 2014.С.40

[18]Л.В. Санкова оценивает увеличение неравенства на рьшке труда как результат организационной революции, усиливающей «сегментацию между периферией и ядром занятых», связанную с «различным интеллектуальным капиталом занятых, отношениями собственности на монопольный ресурс рабочей силы - знания и компетенцию».

[19]Карайчева О.В. Деловая репутация как объект гражданских прав. Дисс..., кан.юрид. наук. Ростов-на-Дону – 2014.С.42

ILM-FAN XABARNOMASI, SCIENCE BULLETIN, ВЕСТНИК НАУКИ
ISSN: 3030-3931 Volume 13, issue 2, May
https://doi.org/10.5281/zenodo.20050561
026

Ҳуқуқий нуқтаи назардан тадбиркорлик фаолияти — бу қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган жисмоний ва юридик шахслар томонидан таваккалчиликка асосланган, мустақил тарзда амалга ошириладиган ва мунтазам равишда фойда олишга қаратилган фаолиятдир. Иқтисодий нуқтаи назардан эса тадбиркор, биринчидан, ишлаб чиқаришнинг асосий омилларининг эгаси, иккинчидан эса ноаниқлик шароитида янги неъматлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун ушбу омиллардан самарали фойдаланиш ташаббускори ҳамда тегишли фойдани қўлга киритувчи шахс сифатида тавсифланади.

Замонавий шароитда тадбиркорлик қобилияти ишлаб чиқаришнинг мустақил омилига айланиб, иқтисодиёт ва жамият тараққиётининг ресурс базасини (меҳнат, ер, капитал) кенгайтиради. Унинг ўзига хос мазмуни барча ишлаб чиқариш омилларини товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг ягона жараёнига бирлаштириш вазифасида ўз ифодасини топади.

Ишчанлик обрўси ташкилотнинг номоддий активлари орқали унинг фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида мулкига тааллуқлидир. Ушбу хулоса логик жиҳатдан ишчанлик обрўсини қиймат жиҳатидан баҳолаш, уни учинчи шахсларга сотиш ва ўтказиш имконияти билан ҳам тасдиқланади. Бироқ, ишчанлик обрўсини тўғридан-тўғри мулкка киритишга тўсиқ бўлган омиллар — унинг номоддий табиати ҳамда унга нисбатан номулкий ҳимоя воситалари қўлланилиши ҳисобланади.

О.В Карайчева ишчанлик обрўси тушунчасига қуйидаги таъриф беради: ишчанлик обрўси деганда жамоатчилик томонидан тижорат ташкилотлари ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг касбий ва ишбилармонлик сифатлари мажмуаси, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш самарадорлиги даражасига берилган баҳо тушунилади. Ушбу баҳо фуқаролик муомаласининг иштирокчиси сифатида уларнинг мақомига ҳамда амалга оширилаётган фаолият натижаларига таъсир кўрсатиш қобилиятига эгадир[20]. Муаллифнинг таъриф асосан тадбиркорлар ва тижорат ташкилотларига оид, лекин юқори малакали шахсий касбий обрў ва корпоратив обрўни алоҳида ажратиб кўрсатмайди. Шу боис, ушбу таърифнинг универсаллиги чекланган. шунингдек, обрўнинг ижобий ва салбий жиҳатлари, шунингдек, ижтимоий муносабатлар ва истеъмолчилар фикри каби омиллар назарда тутилмаган. Таърифда обрўнинг номоддий хусусияти таъкидланган, аммо унинг иқтисодий қиймати ёки ҳуқуқий ҳимоя имкониятлари етарлича баҳоланмаган.

Назаримизада, ишчанлик обрўси — бу жамоатчилик, касбий ҳамда истеъмолчи баҳолари асосида шаклланадиган, тижорат ташкилотлари ва якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек юқори малакали шахсий мутахассисларнинг касбий ва ишбилармонлик сифатлари, амалга оширилаётган фаолият самарадорлиги ҳамда фуқаролик муомаласидаги мақомига таъсир кўрсатиш қобилиятини ифодалайдиган номоддий актив. Ишчанлик обрўси бир вақтда ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатлар билан боғлиқ бўлиб, у фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда ҳимоя қилиниши ва қиммат баҳоланиши мумкин.

[20]Карайчева О.В. Деловая репутация как объект гражданских прав. Дисс..., кан.юрид. наук. Ростов-на-Дону – 2014.С.448